



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (13.911)

Баҳоси эркин нарҳда

АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҶТИРОМ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Олий даражадаги ташриф доирасида 20 апрель куни Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъати уйининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан биргаликда ушбу дўстлик ва маданият саройини очди.

– Пойтахтимиз кўркак-кўрк кўшиб турган ушбу муҳташам иншоот қиёфасида замонавий архитектура ютуқлари анъанавий корея маданияти билан уйғунлашган. Бу маскан халқларимизнинг муштаҳам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга кўтарилганининг ёрқин тасдиғидир, – деди давлатимиз раҳбари.

– Бу марказ дўстлик, аҳиллик ва муштараклик майдонидир. Уйлайманки, у Ўзбекистондаги корея диаспораси, шу ерда ишлаётган корейликлар ва барча ўзбекистонликлар учун умумий уй бўлади. Кўп жиҳатдан ўхшаш халқларимиз ва дўстлик ришталари муштаҳамлашиб бораётгани давлатларимизни боғлаб туради, – деди Мун Чжэ Ин.

Саҳнада корейларнинг юртимизга кўчириб келтирилиши, халқимиз билан аҳил яшаш ҳақида бадиий композиция намойиш этилди.

Маълумки, 1937 йилда Узоқ Шарқдан ўн минглаб корейлар мамлакатимизга кўчирилган. Уша пайтдаги қийинчиликларга қарамай, ўзбек халқи уларни очик қалб билан қабул қилган, бошпана бериб, меҳр кўрсатган. Узининг меҳнатсеварлиги ва қатъий иродаси туфайли корейлар юртимизда иккинчи Ватанини топди. Бугун улар барчамиз учун ягона Ватан бўлган Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Корея диаспораси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисми бўлиб, анъанавий тарзда мамлакат миқёсида ўтказилган барча оммавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади.

Пойтахтимиздаги "Дўстлик боғи"да корея диаспораси томонидан саховатли ўзбек заминидagi бағрикенглик, самимийлик ва гамжўрлик, тинч ва осойишта ҳаёт учун миннатдорлик белгиси сифатида ёдгорлик монументи барпо этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда корея миллатига мансуб 180 мингдан зиёд юртдошларимиз яшайди. Уларнинг уч юзга яқини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Мамлакатимизда барча миллат ва элат вакиллари қатори корея миллатига мансуб юртдошларимиз

рими учун ҳам ўз миллий маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаши ва ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Унлаб корея маданият марказлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 12 та олий таълим муассасасида корея филологияси, 48 та мактаб ва лицейда корея тили ўқитилмоқда. Корея тилида китоб ва газеталар чоп этилмоқда, кўргазмалар, концерт ва фестиваллар ўтказилмоқда. Спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Давлат раҳбарлари ўзбекистонлик корея расомлари асарлари кўргазмаси билан танишди.

Бугун пойтахтимизга ўзгача кўрк бағишлаб турган Корея маданияти ва санъати уйи қурилиши бундан ушбу йил муқаддам бошланган. Шавкат Мирзиёев ушбу иншоотга рамзий тамал тоши қўйиш маросимида қатнашган эди.

Корея маданияти ва санъати уйи 478 ўринли киноконцерт зали, конференциялар зали, кутубхона, бадиий галерея, ресторан ва хизмат хоналарини ўз ичига олган. У жамоатчилик ва ёшлар интиладиган, муштарак маданиятимизни бойтадиган яна бир масканга айланади. Бу кун алоҳида стратегик шерик давлатлар – Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин кунининг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрига келди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин рафиқалари ҳамроҳлигида Самарқанддаги тарихий обидаларни томоша қилди.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонасига ташриф буюрди. Амир Темурнинг суюкли набираси бўлган Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбек буюк астроном олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Урта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асари дунё астрономия фани ривожига муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек ҳақида корейликлар ҳам маълумотга эга экани, бу ерда келган киши унинг зехми, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси беқиёслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари "Афросиёб" музейида бўлди.

Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи мазкур музей, бу ердаги ноёб экспонат ва деворий суратлар бутун дунё сайёҳларини, айниқса, корейликларни ўзига жалб этиб

қелади. Чунки VII асрга оид деворий суратлардан бирида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Когурё элчисини қабул қилиш маросими ҳам акс этган.

Жанубий Корея Президенти ушбу тарихий суратни ҳайрат ва эътибор билан томоша қилар экан, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлишини таъкидлади.

Шу ерда, давлат раҳбарлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Корея Республикасининг Мадааний мерос маъмурияти ўртасида имзоланган маданий мерос соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми ўзаро алмашилди.

Дунёга машҳур Регистон майдони – аждодаларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намойён этувчи яна бир маскан. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Корея Республикаси Президенти ҳам Регистондаги Тиллақори мадрасаси ва масжидини, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини томоша қилди. Олий мартабали меҳмонга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, пештоқларидagi нақш ва рамзларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Шу ерда мажмуа зиёратига келган сайёҳлар ва Самарқанд шаҳри аҳолиси Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларини қарсақлар билан олқилди.

Қайд этиш лозимки, дунё халқларининг нуфузли санъат байрамига айланган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалини Регистон майдонисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур тадбирда Корея Республикаси жамоалари ҳам мунтазам қатнашиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2017 йилда ушбу давлатнинг "Геосонг" халқ кўшиқларини сақлаш фонди жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган эди. Жорий йилда Регистонда "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивали ўн иккинчи марта ўтказилди ва унда Кореядан ҳам жамоалар қатнашиб кутилмоқда.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Амир Темур ва теурийлар давлати ўз даврининг энг улкан ва ривожланган мамлакат бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида "Тиббий таълимнинг ҳозирги ҳолати, муаммо ва истиқболлари" мавзусида анъанавий халқаро форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг шу йўналишдаги олий таълим муассасалари олимлари ва мутахассислари иштирок этди.

● Жиззаҳда вилоят ҳокимлиги ва Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Келажак юксак маънавиятли ёшлар кўлида!" шиори остида байрам сайли ўтказилди. Фольклор жамоалари, вилоят кўғирчоқ театрининг сахна томошалари, мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг расмлар кўргазмалари байрам иштирокчилари билан гавжум бўлди. Жиззаҳ давлат педагогика институти маданият саройи "Истеъдод" талаба театр-студияси томонидан сахналаштирилган "Меҳрибоним қайдасан?" драмаси ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

● Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги Нуристон кўрғонида ҳарбий хизматчилар учун 48 хонадондан иборат 2 та кўп қаватли хизмат уйи фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган мазкур хизмат уйларида барча шароит яратилган. 2 ва 3 хонали кенг ва ёруғ хонадонларда меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар дид билан жиҳозланган.

● Гулистон шаҳрининг Навбахор маҳалласида "Ниҳол" биринчи оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Вилоят марказидаги 25 ўринли "Ниҳол" оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасида таълим тарбия жараёнига замонавий дастур ва технологияларни татбиқ этиш, болажонларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳар томонлама соғлом ва билимдон этиб тарбиялаш учун барча шароит яратилган. Ушбу муассаса ташкил этилиши билан 2 нафар мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди, яна 4 нафар мутахассис шартнома асосида сотабай ҳақ тўланадиган ишга қабул қилинди.

ЖАҶОНДА

● Тайванд Рихтер шкаласи бўйича 6,7 балли zilзила содир бўлди. Ер қимирлаши натижасида 5 киши жароҳатланди. Айрим ҳудудлар бир қанча муддат электр қувватидан узилиб қолди. Тайбей шаҳридаги метро бекатлари ҳам вақтинчалик ёпилди. Зилзиланинг кучли эканлигига қарамай мамлакатдаги иккита атом электр станциясининг реакторлари бир маромда ишлашини давом эттирмоқда.

● Франция президенти Эммануэл Макрон Париждаги Нотр Дам де Пари ибодатхонасидан чиққан кучли ёнгини ўчиришдаги фаол иштироки учун уч юзга яқин ўт ўчирувчиларни Енисей саройида қабул қилиб, уларни тақдирлади.

● Маҳаллий компанияларнинг кучли рақобати туфайли Хитойда АҚШнинг AMAZON компаниясининг онлайн дўконлари ўз фаолиятини тўхтатди.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА

Пойтахтимизда "Гематология ва трансфузион тиббиётнинг замонавий аспекти" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика гематология ва қон қўйиш илмий-тадқиқот институти томонидан ташкил этилган тадбирда Туркия, Франция, Россия, Украина, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатлар мутахассислари, республикаимиздаги илмий-тектириш институтлари профессор-олимлари, тиббиёт муассасалари шифокорлари иштирок этди.

Анжуманда гематолог, онколог ва трансфузиологлар каби кўплаб малакали тадқиқотчиларнинг соҳада амалга оширилаётган илмий изланишлар, эришилаётган ютуқларга бағишланган маърузалари тингланди. 2004 йилдан буён мамлакатимизда сурункали миелолейкоз беморларини даволаш учун GIPAP халқаро дастури амалга оширилмоқда. Айни пайтда Германия клиникалари билан ҳамкорликда "Ўзбекистон бирламчи имму-

нодефицит беморларида ташхислар ва даволашни яхшилаш стратегиясини аниқлаш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу орқали мамлакатимизда беморлар диагностикаси ва тиббий парваришини янада яхшилашга эришилмоқда.

Тадбирда "2019-2021 йилларда Глобал альянс тараққиёт учун" дастури бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари ва Бутунжаҳон гемофилия федерацияси президенти Алан Бейл иштирокида меморандум имзоланди. Ушбу дастур бўйича Нукус ва Андижон шаҳарларидаги минтақавий шифохоналар қошида даволаш марказлари ташкил этилди. Шунингдек, соҳада фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг малакаси оширилди.

– Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар қон касалликларининг олдини олиш ва даволашда муҳим аҳамиятга эгадир, – дейди Рес-

Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА муҳбири

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Маданият вазирининг ўринбосари К.Оқилова юртимизда маданий мерос объектларини асраш борасида амалга оширилаётган ишлар, олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўзбекистон тарихининг турли давралига оид маълумотларини бойитишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кўҳна Афросиёб деворларида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Чосон элчисини қабул қилиш маросими тасвири акс эттирилгани мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар илдизи узоқ асрларга туташ эканидан дарак беради. Ўзбек ва корея халқларининг маданиятида ўхшаш ва уйғун жиҳатлар кўп. Халқимизнинг Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, сабр-матонат каби фазилатлари корейликларга ҳам ҳосидир. Тақдир тақозаси билан бир пайтлар юртимизга келиб қолган корейликлар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган.

– Ўзбекистондек кўп миллатли, меҳридарё ва бағрикенг халқнинг таркибида корейларнинг ҳам борлиги диққатга лойик, – дейди Чонг Жей Сук хоним. – Уларнинг юртинизда ўтказилган барча ижтимоий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этиши мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва товулик сиёсатининг яна бир ёрқин намунаси.

Учрашув ҳар икки мамлакатнинг маданий мерос объектлари ва археологик тадқиқотлар борасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилишга шубҳа йўқ. Учрашув давомида маданий мерос объектлари ва археологик тадқиқотлар борасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Н.УСМОНОВА

ҚИСҚА САТРАПДА

● 22-28 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва вилоятида велосипед спортининг шоссё йўналиши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Унда 40 га яқин давлатдан 500 нафардан ортиқ велоспортчилар ғолиблирига 2020 йил Токио шаҳрида ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига лицензиялар тақдим этилади.

● "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Student's party" шоу дастури ташкил қилинди.

● Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан "Иқтисодийнинг йирик тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида белгилашган чора-тадбирлар ва эришилган натижалар: муаммо ва ечим" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида фуқаролар мурожаатлари бўйича биринчи чора қарорлари бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Келажак бунёдкори" мавзусидаги тадбир ва боғнинг мавсумий очилишига бағишланган концерт дастури уюштирилди.

Май – Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар оғи

Юртимизда маҳалла азал-азалдан тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос урф-одати, турмуш тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шароитлар яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Изчил ислохотларнинг ҳозирги шиддатли босқичида маҳаллаларни янада қўлаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, шу билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этарди. Шу боис Президентимиз томонидан 2018 йили имзоланган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонун бевосита маҳалла ҳаётига дахлдор бўлиб, унинг тарққитини, фаолият мезонларини белгилаб берди. Эътиборлиси, мазкур қонунлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини маҳалла оқсоқолларига қўйилган янги талаблар асосида амалга оширишга қўлай шароит яратиш, сайлов жараёнининг очкилиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови тўғрисида"ги қарорига асосан мамлакатимизда шу йил май ойида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови янги қонун асосида ўтатишни билан аҳамиятли. Бу сайловда республикада 9019 нафар, хусусан, Тошкент шаҳрида 508 та фуқаролар йиғини раислари сайланади.

Авалло, ўзини ўзи бошқариш деганда, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва аъёнлардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги қонунлар билан қаролатланган фаолиятини тўшуниш жоиз. Конституциямизнинг 105-моддасида "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисини (оқсоқолни) сайлайди", деб белгилаб қўйилган.

РАИСЛИККА МУНОСИБ КИШИЛАР САЙЛАНИШИГА ЭРИШИШИМИЗ ДАРКОР

Бу борадаги муносабатлар янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солиниб, унинг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмастлиги, фуқаролар йиғини органлари фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссия ва тафтиш комиссиясидан иборатлиги белгиланган.

Фуқаролар йиғини раиси сайловида шу маҳалла ҳудудига доимий яшовчи, муомалага лаёқатли 18 ёшга тўлган фуқаролар иштирок этади. Иштирок этиш ихтиёрий ва эркиндир. Оқсоқол сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади. Номзод икки ва ундан кўп бўлиши керак. Сайловни ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камиди икки ой олдин Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Унинг таркибига оқсоқол, маслаҳатчилари, йиғиннинг бошқа ходимлари, оқсоқолликка номзодлар киритилиши мумкин эмас. Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ўтказилишидан камиди беш кун олдин шу ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади. Ҳовиллар, уйлар, кўчалар аҳолисининг вакиллар сайлови бўйича умумий йиғилишларини ўтказиши керак. Вакиллар бўйича баённомалар тузади. Фуқаролар йиғини инобатга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун оқсоқол лавозимига номзодлар рўйхатини шакллантиради, сайловни ўтказиши керак. Кенгаш мажлиси аъзо-

ларнинг камиди учдан икки қисми қатнашган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кенгаш таркибига оқсоқол, унинг (кексалар ва фахрийлар ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ўринбосарлари, маслаҳатчилари, масъул котиб, туман хотин-қизлар кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси, профилактика инспекторлари, қишлоқ врачлик пунктининг раҳбарлари кириди.

Брифинг

ЖАМОАТЧИЛИК ОЛДИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида Тошкент шаҳар судлари томонидан 2019 йил биринчи чорак якунлари бўйича жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун брифинг ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳридаги жиноят, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий судлар раислари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, "Маҳалла" жамоат фонди ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Судлар томонидан ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 248 нафар шахс жиноят жавобгарлидан озод этилди. Етказилган 26,4 млрд. сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 140 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодий эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўттиш даври иқтисодийти масалалари ечимини тезлаштиради.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бунинг учун зарур инвестицион муҳит ҳамда хорижий инвесторлар учун қаролатларни яратиш – миллий иқтисодиётнинг тизимли таъминлиниши ва ишлаб чиқариш модернизациясининг экспорт ўсиши ҳамда импорт ўрнини босиш таъминлинишининг муҳим шартларидан.

Хусусан, пойтахтимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар жорий йилнинг январь-март ойлариди 5 853,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 122,5 фоизни ташкил этди.

Албатта, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳудудда яшовчи ҳар бир фуқаро ҳаётида маълум роль ўйнайди, яхши-ёмон кунларида иштирок этади. Маҳалладаги тинчлик-осойишталик, иноқлик, оилаларда барқарорликни таъминлаш, мушаббусролик, бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг бошида туради. Шу сабабли ҳар бимиз бу сайловларда фаол иштирок этишимиз ва раисликка муносиб кишилар келишига эришимиз даркор.

Хабарлар

АҲОЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Миробод туманидаги "Заминобод" маҳалласида учрашув бўлиб ўтди.

Унда Помир, Қизил-Арва, Абдулла Қаҳҳор кўчаларида истиқомат қилувчи, сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар иштирок этди. Учрашувда халқ депутатлари Миробод туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Баҳром Шарипов ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари билан биргаликда маҳалла аҳолиси орасидан вакиллар рўйхати шакллантирилди, имзолар йиғилди.

ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Ҳаммамизга маълумки Президентимиз томонидан биз, ёшларга жуда кўп имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўртача ўзлаштириш 86 фоиздан юқори бўлган талабалар учун тўлов контракт суммасининг 35 фоизини тўлаб берилиши ҳам ёшларнинг келажақда етук мутахассис бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқини қўлаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларида аҳоли баҳоларда тахсир олинган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, ижтимоий соҳаларда меҳнатини аямётган талаба-ёшларга бир йиллик тўлов контракт суммасининг 35 фоиз қисми Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тўланиб келинмоқда.

Жорий ўқув йилида ҳам ушбу имтиёзга эга бўлиш учун Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларининг 1052 нафар талаба ҳужжатлар топширган бўлса, 552 нафар талабага жами 1 933 644 475 (бир миллиард тўққиз юз ўттиз уч миллион) сўм миқдордаги тўлов пуллари тўлаб берилди.

Ёшлар марказида ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Санжар Саидов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Ойбек Раҳмонбердиев ҳамда Тошкент шаҳридан сертификатлари олишга муяссар бўлган 552 нафар талаба-ёш иштирок этди.

БЕШТА ТАШАББУС АМАЛДА...

Тошкент Ботаника боғида Олмазор тумани мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, китобхонликка жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Амр Туман қудратини, Жалолиддин Мангуберди жасоратини қалбда жо айлаган ёшлар!" шiori остида тадбир ўтказилди.

Унда туман мактабларидаги ўқувчилар мусиқа, рассомлик, адабиёт, санъат ва бошқа тўғрақларда ўрганаётган хунарлари, ижодий ишларини намойиш этдилар ҳамда маҳорат дарслари ташкил қилдилар. Спортнинг 5 та тури бўйича ўзаро беллашиб, компьютер савдонлиги бўйича натижаларга эришаётган ўқувчилар рағбатлантирилди. Шунингдек, китоб ярмаркалари ўтказилиб, иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан турли бадийий китоблар совға қилинди ва битирувчи ўқувчи-қизларга турли йўналишлари бўйича тумандаги ўқув марказларига йўлланмалар берилди.

Хотира уйғонса гўзалдир

Таниқли адиб, шoir, драматург ва жамоат арбоби Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳамид Фулом ҳаёт бўлганида табаррук юз ёшга қаршилар эди.

Ҳамид Фулом адабиёт ва санъатнинг турли жанрларида ижод қилди. Насрда "Машъал", "Мангулик", "Феруза", "Бинафша атри", "Машраб", "Тошкентликлар", "Қорадарё" романлари, "Олмос қизи", "Вафонинг узун йўли" ва бошқа киссалари, туркум ҳикоялари, очерк ва публицистик мақолалари дунёга келди. Драматург сифатидаги ижоди ҳам сермахсул. У асосан, мусиқали драматургия соҳасида бастакорлардан Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Матниёз Юсупов, Шоҳида Шохимардоновалар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Машҳур режиссёр Раззоқ Ҳамроев, актёр Сойиб Ҳўжаевлар билан биргаликда яратилган "Тошболта ошиқ" мусиқали драматик адиб ижодида алоҳида ўрин тутади.

Ҳамид Фулом нафақат сермазмун, юксак гоёвий мавзудаги романлари, шеър ва достонлари, ажойиб публицистик асарлари, таржималари, балки ўзига хос, турфа инсоний фазилатлари билан ҳам аксари ижод аҳли жамоаси, сон-саноксиз китобхонлар ардоғида эди.

У истиқлолни чексиз шодибналик ва кўтаринки руҳ билан кўтиб олди. Ўнлаб шеърлар, публицистик мақолалар ёзди. "Ассалом, ўзбегим!" таронаси радио ва телевидение орқали, концерт сахналарида баралла янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақиллигимиз етти йиллиги муносабати билан эълон қилинган Фармонига кўра Ўзбекистоннинг энг фаол, ардоқли ижодкорлари қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом ҳам "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди. Шунингдек, адиб "Меҳнат шухрати" ордени ва "Шўхрат" медали билан ҳам тақдирланган.



Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ "ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 1865-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА"ГИ 357-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН ЯККАСАРОЙ ТУМАН ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАГИ "ЯККАСАРОЙ ТУМАННИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 1-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99, 143-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда); 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПК-4086-сонли қарори (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 996-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 5 мартдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 357-сонли ва халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Яккасарой туманининг 2019 йилги бюджет параметрлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 65/1-1-сонли, Яккасарой туман ҳокимининг 2019 йил 4 январдаги "Яккасарой туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида"ги 1-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2019 йил 6-мартдаги 01-3/414-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Маҳаллий бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг умумий йиллик миқдоридан келиб чиқиб, солиқ Концепцияси бўйича таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда чораклик прогноз кўрсаткичларини мувофиқлаштириб бориш ҳамда йиллик прогнозни қайта тақсимланишига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан розилик берилганлиги инобатга олинсин.
- Яккасарой туман ҳокимининг 2019 йил 4 январдаги "Яккасарой туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида"ги 1-сонли қарорининг
 - 1-иловаси мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ;
 - 3-иловаси мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ янги тахрирда баён қилинсин.
- Яккасарой туман Молия бўлими (М.Қодиров):

Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришномасига ва назорат рақамларига кўра Яккасарой туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.
- Яккасарой туман ҳоким аппарати раҳбари Р.Ишанов, Ахборот технологиялар бўйича мутахассиси, матбуот котиби:

Ушбу қарор "Тошкент оқшом" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
- Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.
- Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Яккасарой тумани ҳокими
Б.Шамуратов

2019 йил

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Шайхонтоғ тумани ТСРҮИ томонидан 09.04.2013 йилда № 006525-05 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "SHARQONA SARXIL TAOMLARI" МЧЖ (СТИР 302571207) таъсисчининг 22.04.2019 йилдаги №7 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Сағбон ва Фаробий кўчалари кесишувидagi манзилда қабул қилинади.

Тошкент Молия институти томонидан 2018 йилда Рустамов Суҳайл Толибжон ўғли номига берилган В № 963542 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан 2015 йилда Комолов Бахтиёр Хайрулла ўғли номига берилган К № 4028992 рақамли (1109-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

лар, публицистик асарлар ва драмалар, комедиялар муаллифи, жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилган Ҳамид Фулом қизгин ижодий умрни бошдан кечирди.

У замонаси учун жуда ҳам долзарб бўлган мавзуларда самарали қалам тебратди. Унинг биографиясига қараб, бўйи баробар китоб ёзган адиб, деб бемалол айта оламиз. У чиндан ҳам ўз даврида фаол ва ҳозир-жавоб адиб сифатида ажралиб турарди. Аини пайда у етук жамоат арбоби ҳам эди.

чиди. Камина ҳам қадимий ҳинд эпоси "Рамаяна"ни бевосита Ҳамид ақанинг қўллаб-қувватлови билан таржима қилди ва у катта нусхаларда дунё юзини кўрди. Келтирилган асарларнинг ҳар бири улар мансуб бўлган халқ маданиятининг гўлтожи ҳисобланади, энди улар умрбод ўзбек халқининг маънавий мулкига айланиб қолди.

Буларнинг бари Ҳамид Фуломнинг ижодкор шахс сифатидагина эмас, балки маданият ва жамоат арбоби сифатида ҳам қизгин фаолият олиб борганлигини кўрсатади.

ҲАССОС ВА СЕРҚИРРА ИЖОДКОР ЭДИ...

Иброҳим ҒАФУРОВ, адабиётшунос олим:

Ҳамид ака узоқ йиллар Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директорлик қилди. Ана шу даврларда адабиётимиз кўрки бўлишга эришадиган кўплаб оригинал асарлар, адибларимизнинг кўп томлик китоблари, сайланмалари босилиб чиқди, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб ўқувчиларга тақдим этилди.

Айрим асарлар номини келтиришнинг ўзи сўзларимизни исбот этади. Масалан, Фирдавсийнинг "Шохнома"си таржимаси бевосита Ҳамид ака ташаббуси билан амалга оширилди, ҳатто ўзи таржимонлардан бири сифатида қатнашди. Абдулла Орипов Данте Алигьери қаламига мансуб "Илоҳий комедия"нинг "Дўзақ" қисмини муваффақиятли таржима қилиб чоп эттирди. Эркин Воҳидов Гётеннинг "Фурсат" асарини шу пайтларда ўзбек тилига ўғирди ва эълон қилди. Жованни Бокаччионинг "Декамерон" романи Қодир Мирмухамедов таржимасида кўп нусхада босилиб

– Ҳамид Фулом жуда катта ҳаёт мактабини ўтади. У 1971 йилдан 1981 йилгача ўн йил Давлат бадий адабиёт нашриётига раҳбарлик қилди. У машҳур "Литературная газета"сининг Ўзбекистондаги муҳбири бўлган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиблик қилган, "Шарқ юлдузи" журналин бошқарган йиллари дунё кезган, одамларни, сиёсатни хўп таниган, шулар баробарида донишмад адиб ва эл фарзанди бўлиб етишган эди. Давлат бадий адабиёт нашриётида унинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, тadbиркорлиги, энг яхши, олижаноб фазилатлари билан амалий ишда намёнён бўлди. Нашриёт мислсиз равақ топди ва ўз тарққийетининг чўққиларига кўтарилди. Барча адиблар, санъаткорлар шу нашриёт эшигини очиб кирар, ҳеч ким бу ердан ноумид қайтмас эди. Китоб чиқариш, кўп томли асарлар

нашр этиш, жаҳон адабиёти намуналарини она тилига таржима этиш бир неча баробар кўлайди. Мамаляк миқёсида нашриёт ва унинг наشرларининг обрў-эътибори юксалди.

Биз ҳаммамиз – бари ёшу қари адиблар, олим, танқидчилар Ҳамид Фуломнинг нақадар хайрихоҳ инсон эканлигини кўрдик. Унинг ҳар бир қадами, ҳар нафаси шу хайрихоҳликнинг амалий исботига айланарди. Унинг адиблар, ёшлар, умуман, инсонларга меҳрибонлиги амалий меҳрибонлик эди. Бу меҳрибонлик боис ёзувчилар китоб ёзишга рағбатланар эдилар.

Ҳамид Фулом нашриётни бошқарган йиллари зўр куч ва ғайратга тўлган, ўз ишдан ажиб бир илҳом оларди. 1971-1981 йиллар орасида у "Бинафша атри", "Мангулик" романларини ёзди. "Лолакўл" каби шеър дostonлар китобини тақдим этди. Унинг "Тошболта ошиқ" асари бутун эл ичига ёйилган. Одамлар "Алишер Навоий" драматиксини ҳам ёдлаб юрсалар, "Тошболта ошиқ"ни ҳам шундай муҳаббат, завқ-шавқ билан ёд айтдилар у маданий менталитетнинг ажралмас бўлагига айланиб кетган эди. Ҳамид Фулом эллигинчи йиллар охирида китоблар уйғоқ дефган кенг камровли бир шоирона ифодани топди. У машъал деган сўзни кенг муомалага киритди. Унинг "оҳ сенинг ёшлигинг менда бўлсайди", "вафонинг узун йўли" каби иборалари бадий адабиёт ва инсон қалбининг ҳикматига айланди.

Нимасини айтасиз: У том маънода қалби уйғоқ инсон эди; қалби ижод ва севига ташна адиб эди. Унинг яхшиликларидан ҳали узоқ замонлар яхшилик унади ва равақ топади.

Куйида Ҳамид Фуломнинг Тошкенти азимнинг жамолид қамолчи чиройли мисралар ила мадҳ этилган "Тошкентим" шеърини муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз.

*Одам иски Ватанда,
Бир пайтда туғилмайди.
Икки ҳис бўлса танда,
Унга ном битта, дейди.*

*Одам учун муқаддас,
Ўз уйи, ўз дёври.
Ўзгани этса ҳавас,
Тарк этгай уни ёри.*

*Тошкентим, сен ягона,
Шаҳримсан, дийримсан.
Ўзгаларга афсона,
Менинг гулбахоримсан!*

*Кўкдаги ҳилолингга,
Кўркингга жон тасаддуқ!
Шонли истиқолингга,
Эркингга жон тасаддуқ!*

ТОШКЕНТИМ

*Сен кўшим, сен бахтим,
Мен сенга сўгинаман.
Қаерда бўлмай шаҳрим,
Мен сени соғинаман.*

*Агар тарих тун бўлса
Сен менинг кундузимсан.
Осмон юлдузга тўлса,
Энг ёруғ юлдузимсан.*

*Қоҳирада юрардим,
Дердлар: шу ерда қол.
Нега қалай! Сен дардим,
Сен иқбол, сен истиқбол.*

*Жоним сенга тасаддуқ,
Чучук сувинг — кавсарим.
Тошкентим, сенга қуллуқ,
Сен паноҳим, сарварим.*

*Тоқшода японлар,
Сийлашди мени жуда.
Бари бир ўша онлар,
Сен бўлдинг дил ичйда.*

*Одам учун ҳеч қачон,
Иккита бўлмас Ватан.
Биттадир унга осмон,
Биттадир чўлу чампан.*

"ТОШКЕНТ БАҲОРИ" ФЕСТИВАЛИ ЧОРЛАЙДИ

Жорий йилнинг 20 апрелидан 5 майга қадар пойтахтимизда "Тошкент баҳори" V опера ва балет санъати фестивали бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Юртимизда санъатнинг барча йўналишлари каби миллий опера ва балет ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳаз тарихи, мактаби, анъаналари, ривожланиш йўлларига эга бўлган ушбу гоёт нозик ва бетакор санъат турлари жонажон Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси ва нуфузини тобора юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Юртимизда бешинчи марта ўтказилган "Тошкент баҳори" халқаро фестивали опера ва балет соҳаларида халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда, ижодкорларнинг ўзаро тажриба алмашишида, муҳлисларни санъатнинг мазкур йўналишларидаги энг сара намуналар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, мазкур вазирлик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жағмармаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри, "Дўстлар клуби", "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Фестиваль давомида "Майсаранинг иши", "Аида", "Трубадур", "Травиата", "Марварид изловчилар" операсининг намойиши бўлиб ўтади. Шунингдек, "Шахризода", "Баядерка", "Оққуш кўли" балет спектакллари, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, Хитой миллий опера, рақс ва драма театрининг балет труппаси, юртимизнинг "Тумор" рақс ансамбли дастури томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Фестивалда Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Хитойдан санъаткорлар иштирок этиши кўтилмоқда.

(ЎЗА)

ХАЛҚ КУТУБХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтинда "Китобхонлик бизни бирлаштиради" мавзусига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Сергели туманидаги 2-, 3- ва 285-сонли умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, туманининг "Чортоқ", Ал-Фарғоний ва Йўлдош номи маҳаллалари фаоллари ҳамда турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида хизмат қилаётган таълим муассасасининг собиқ ўқувчилари, профессор-ўқитувчилар, тингловчи ва курсантлар иштирок этди.

Институт бошлиғи Н.Нарматов мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан иктомий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусдан бири – ёшлар ўртасида айнан китобхонликни кенг тартиб қилиш, уларнинг маънавийтини юксалтиришга бағишланганлигини айтиб ўтди.

Айни пайтда ҳар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган таълим муассасаси кутубхонасига китоблар соғва қилиш билан эзгу ташаббусни кўрсатиши белгилаб берилди.

Тадбирда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар ва курсантлар институтда "Китобхонлик маданиятини юксалтириш – буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим қафолатидир" шиори остида турли маърифий тадбирлар ўтказилганлигини айтиб, Жалолддин Румий "Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб", дея китобни мўъжизага қиёсланганини, буюк мутафаккир шoir Алишер Навоий ҳазратлари эса "Китоб – беминнат эр-тос, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи" деб беҳизга

таъкидланмагани хусусида сўз юритдилар. Акция доирасида Ёнғин хавфсизлиги институтинда жорий йил март-апрель ойларида курсантлар ва ёш ходимлар ўртасида тўрт босқичда ўтказилган "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. Институт ҳудудида "Китобхон шаҳар" лойиҳаси доирасида аҳоли, айниқса ёшлар учун мўлжалланган бепул халқ кутубхонасини очиб ва таълим муассасасини битирган, шунингдек, фаолият юритган ҳамда бугунги кунда турли масъулиятли лавозимларда ишлаётган раҳбар ходимларнинг институт кутубхонасига китоблар жамланмасини соғва қилиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди.

Бундан ташқари, институт профессор-ўқитувчилари томонидан Сергели туманидаги 2-, 3- ва 285-сонли умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига бадий адабиётлар жамланмалари соғва қилинди.

Шунингдек, "Халқ кутубхонаси" жавоплари 700 га яқин ўзбек ва жаҳон адабиётига оид бадий китоблар жойлаштирилди. Улар орасида севимли адиблар – Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Эркин Воҳидов, Ҳудойберди Тўхтабоев, Муҳаммад Юсуф, Тоҳир Малик ва бошқа жаҳон адабиёти намойндалирининг асарлари борлиги институт атрафида яшовчи болалар ва маҳалла фаоллари томонидан илиқ кўтиб олинди.

Зилола МАХАММАДЖОНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети 3-босқич талабаси

Мамлакатимизда жамият негизи бўлган оила мустаҳкамлигини асраш, мустақил ҳаёт оstonасида турган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

ЁШЛАР УЙЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги, шунингдек, Вазирам Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги "Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида жамиятнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб келаётган ёш оилаларга имтиёзли равишда уй-жойларнинг топширилаётгани оила пойдеворини мустаҳкамлаш борасидаги савобли амаллардан бири бўлди.

кент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, ёшлар ва уларнинг ота-оналари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари қатнашди.

Уйлар 20 йил муддатга имтиёзли ипотека кредити асосида берилди. Бу уйлар юртимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган, республика ва халқаро олимпиадалар, мусобақалар, фестивалларда фаол қатнашаётган йигит-қизларга топширилди. Ушбу уйлар барча талабларга жавоб берадиган, қулайликларга эга бўлиб,

табiiй газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон алоқаси ҳамда электр энергияси билан тўлиқ ва узлуксиз таъминланган. Янги уйга эга бўлган ёш оилалар вакиллари қувончи чексиз. Имтиёзли кредит асосида, бошланғич тўловларсиз берилаётгани ёш оилалар учун катта имкониятдир. Бунда уйларнинг бошланғич 25 фоиз бадал пуллари кейинчалик кредитни қайтариш муддати яъни 20 йил давомида бўлиб-қайтариб бериш шарти билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилади.

Зарина РУСТАМОВА



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Албатта, қаноат яхши, лекин у интилишларга тўсиқ бўладиган даражада бўлмаслиги керак.

Хурмат доирасини ҳар ким ўзи учун ўзи яратади.

Ўзи бермаса, минг югурганинг бекор.

Юришмаган иш кишини бездиради.

Хаёлга келмай ҳақиқатга айланмайди.

Киши қанча нодон бўлса, шунча худбин ва қайсар бўлади.

Эҳтиёткорлик кўрқоқлик эмас.

Баъзилар осон кўчадиган ишни ҳам ўзлари қийинлаштириб юридилар.

Ғояни ўртага ташлаш осон — уни амалга ошириш қийин.

Жаҳолат дарахтида душманлик меваси етилади.

Ялқов бахт қушини тутишга ҳам эринади.

Баъзи кишилар ипак қуртига ўхшайди — ўзининг қўл-оёғини ўзи чирмаб ташлайди.

Йигит кишига зигирча омад ҳам керак.

Ўзидан ортмаганнинг бировга фойдаси тегмайди.

Ҳасадгўйнинг ўзидан ўтар душмани йўқ.

Иши битганининг саломидан хомтама бўлма.

Йўғига кўз тиккунча борини эглаб ол.

Кўрнинг кўзи очилса ҳам жоҳилники очилмайди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи шифохоналари тиббиёт билим юрти томонидан 1993 йилда Ибадуллаева Мукаддас Курбанбаевна номига берилган СТ-1 № 468460 рақамли (5144-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидромет Хабар қилади. Тошкент шаҳрида 23 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эртаб ёмғир ёғди, кунинг иккинчи ярмида вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Шарқдан гарба йўналишини ўзгартирган шамол секундида 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 17-19 даража илқ бўлади.

СТАДИОНЛАР VAR ТИЗИМИГА МОСЛАШТИРИЛАДИ

Мухлисларга маълумки, ўтган йили Россияда уюштирилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида VAR тизими қўлланилган, натижада кўпгина учрашувларда ҳакамлар хато қилишларининг олди олинган эди.

Айтиш жоизки, ушбу тизим ҳакамларни қўпол хато қилишдан асрайди. Натижада учрашувларда адолатли ҳисоблар қайд этилди. Бу мухлисларнинг норозилиklarига олиб келмайди. Маълум бўлишича, яқин келажакда мамлакатимиз чемпионатида VAR технологияси жорий этилиши кутилмоқда. Чунки VAR ходимлари билан неча марта УФА мутасаддилари билан учрашишди, ушбу тизимни жорий этиш режалари белгилаб олинди.

Айтиш жоизки, ушбу тизим ҳакамларни қўпол хато қилишдан асрайди. Натижада учрашувларда адолатли ҳисоблар қайд этилди. Бу мухлисларнинг норозилиklarига олиб келмайди. Маълум бўлишича, яқин келажакда мамлакатимиз чемпионатида VAR технологияси жорий этилиши кутилмоқда. Чунки VAR ходимлари билан неча марта УФА мутасаддилари билан учрашишди, ушбу тизимни жорий этиш режалари белгилаб олинди. Айтиш жоизки, VAR технологиясини Суперлига жамоаларининг барча стадионларида жорий этиш керак. Ушбу тизим технологияларини фақат 3-4 та стадионлар қабул қилишга тайёр. Шу боис, УФА ташаббуси билан яқин орада Суперлиганинг барча стадионлари VAR ускуналарини қабул қилиш ҳолатига келтирилади.

Акбар ЙЎЛДШЕВ

Футбол янгиликлари МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида жорий йилги мамлакат чемпионатининг 4-тур баҳслари якунига етди.

Мазкур турнинг марказий баҳси Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Унда турнир жадалида етакчилик қилаётган "Пахтакор" "Сурхон" меҳмони бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилдан кучлилар сафига қайтган "Сурхон" ҳозирда пешқадам жамоа "Пахтакор"ни изма-из таъкиб қилиб келаётган эди. Шу боис ҳам мухлислару, мутахассислар қайси жамоа

ғалаба қозонишини аввалдан башорат қила олишмади. Дарҳақиқат, учрашув муросасиз, кескин, шиддатли курашларга бой кечди. Аммо, 90 дақиқадан кўпроқ вақт давом этган ўйинда дарвозалар дахлсиз қолди.

Амалдаги чемпион "Локомотив" жамоаси ушбу турда АГМК билан пойтахтда куч синашди. Қизикарли ва кескин курашлар остида ўтган баҳс темирйўлчиларнинг 2:1

ҳисобидаги муҳим ғалабаси билан тугади. Дарвозаларга голларни "Локомотив"дан — Т.Абдуҳаликов, И.Тўхтақужаев, АГМКдан — З.Полванов киритишди.

Турнинг қолган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Металлург" — "Қизилқум" — 4:1, "Насаф" — "Навбахор" — 0:1, "Динамо" — "Сўғдиёна" — 1:0, "Бунёдкор" — "Андижон" — 1:0, "Кўкөн" — 1912" — "Бухоро" — 1:3.

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш касалликларини ичидан жуда оғир кечадиган турларидан бири бу — ботулизмдир.

Ботулизм касаллигини келиб чиқилишининг асосий сабабчиси Clostridium Botulinum таёқчаларининг вегетатив шакли ишлаб чиқарадиган оқсилдан иборат нейротоксиндир.

Ботулизм таёқчаси анаэроб — яъни кислородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлганлиги учун ташиқ муҳит таъсиротларида жуда ҳам чидамли бўлиб, қайнатганда ҳам ўлмайди. +120 С даражада ҳароратда 30 дақиқада, спораси 20 фоизли формалин зарарсизлантувчи моддаси таъсирида 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини мева ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва у қонга сўрилиб, инсон организмни заҳарлайди. Ботулизм бактерияси ташиқ муҳитда қуруқ шароитда, тупроқда узоқ йилларгача сақланади.

Ботулизм билан хасталанишга одатда ўзида ботулизм бактерияларини, шунингдек, микроб экзотоксинини туган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Ушбу касаллик асосан уй шароитида тайёрланган дудланган гўшт, сабзавот ва мева консерваларини истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Аҳоли ўртасида ботулизм билан хасталаниш асосан ноябрь ойидан бошланиб, май ойларигача давом этади. Охириги йиллар давомида уй шароитида тайёрланган маринадланган бодринг, помидор, патиссон, кўк нўхот, қалампир, кўзиқорин консервалари, баклажон икриси ва дудланган балик каби маҳсулотларни истеъмол қилиш касалликни келиб чиқишига сабабчи бўлапти.

Касалликнинг клиник белгилари ўткир тўсатдан бошланиб, беморлар хасталик бошланиши вақтини кўпинча аниқ айтишлари мумкин. Ботулизм ҳолсизланиш, бош оғриғи, оғиз қуриши билан бошланади. Баъзида кўнгил айнаши, қайт қилиш, бош айланиши ва 1-2 мартаба ичнинг суяқ кетиши кузатилади. Тўш суяғи ортида оғрик, кекириш,

қоринда оғрик ва дамланиш ҳоллари учраб туради. Қайд қилиш ва ич кетиши қисқа давр кузатилиб, неврологик белгилар бошланганидан сўнг одатда йўқолади. Ич кетиши тўхтаб, қабзият кўринади, кўз соққасининг ҳаракати чекланади, қорачиклар кенгайди, кўз қовоқларининг икки томонлама қисилиши, ютинишнинг қийинлашуви ёки умуман амалга ошмай қолиши, овоз ўзгариб, пасая боради ва тиниклиги йўқолади, оғир аҳволда беморнинг гапига тушуниб бўлмайди.

Ботулизм билан хасталанишнинг олдини олиш учун қуйидаги оддий қоидаларга қатъий риоя қилишни тавсия этамиз. Бозорларда ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номатълум шароитларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган дудланган гўшт ва балик ҳамда мева-сабзавот консерва маҳсулотларини харид қилманг. Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балик, кўзиқорин ва мева-сабзавот консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин маҳсулотларни мувофиқлик сертификатлари борлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлинг. Дўконлардан консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уларнинг сақлаш муддатлари ўтиб кетмаганлиги, идишларнинг бутунлиги, қопқоқларининг шимшамаганлигига эътибор беринг.

Ўз вақтида кўрсатилган малакали тиббий ёрдамга беморнинг тез кунда соғайиб кетишига имкон яратади.

Ўзингиз ва яқинларингизни саломатликларини ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

Гульмира КАРИМОВА, Яшнобод туман ДСЭНМ санитария бўлим мудири

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида божхона ходимлари, уларнинг оила аъзолари иштирокида "Коррупцияга қарши курашишда барчамиз масъулмиз!" мавзусида профилактик тадбир ташкил этилди.

Тадбирни бошқарма бошлиғи Б.Дадаматов очиб, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида мазкур иллатга қарши курашиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Мазкур йўналишда қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарлигининг муқаррарлиги ушбу иллатга қарши курашиш асосий принциплари сифатида белгилаб қўйилди. Қонун даражасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сийосатининг асосий йўналишлари мустаҳкамланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг божхона тизими ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ички бозорини ҳимоя қилувчи, давлат хазинасини тўлдирувчи ҳамда бошқа бир қатор муҳим давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажарувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органи эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, буғунги кунда божхона органи ходимларининг Ватан олдидаги бурчини сажоқат билан бажаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди.

Дунёдаги энг улғу неъматлардан бири бу — оилавий тинчлик-ҳотиржамлик, фарзандларнинг келажак ҳақида қайғуришдир. Иштирокчиларга божхона

тизимда хизмат қилаётган фарзандлари ёки яқинларининг хатти-ҳаракатларига бефарқ бўлмаслиги, улар томонидан тамағирлик, порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш каби салбий иллатларга қарши курашишда оила аъзолар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Тошкент шаҳар бош имом хатиби ўринбосари Э.Рустамов сўзга чиқиб, йиғилганларга коррупцияга қарши курашиш, нафсини жилавлалаш, ҳоллоқлик ва шукроналик тушунчаларининг диний ва дунёвий жиҳатлари бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, тадбирда божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки ходимларнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан Давлат божхона қўмитасининг узлуксиз фаолият юритувчи қисқа 11-08 "Ишонч телефони" рақами ёки Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг (78) 120-76-76 телефон рақамига кўннинг исталган вақтида мурожаат этиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Ўзаро мулоқот сўнгида "Коррупция — тараққиёт кушандаси" номли видео ролик намойиш этилиб, оғоҳлик — давр талаби эканлиги, коррупцияга қарши курашиш муҳимлиги яна бир бора таъкидлаб ўтилди. Озод ва обод Ватан тараққиёти йўлида юксалиш ва маънавият кушандаси бўлиш коррупциянинг олдини олиш барчанинг вазифасидир.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

"Халқ банки" Миробод филиали томонидан 24/7 электрон офисларини жорий этиш учун қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича қурувчи ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: АТ "Халқ банки" Тошкент шаҳар филиали, 100024, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 9-уй. Телефон: (99871) 202-50-51.

Танловнинг ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни махсус ахборот портали www.xalid.uz сайтидан, шунингдек, душанба-жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил орқали олиш мумкин.

Тижорат таклифлари 2019 йил 28 апрель соат 15:00 га қадар қабул қилинади. Тижорат таклифида танлов ўтказиш шартларида белгиланган барча ҳужжатлар бўлиши лозим.

Тошкент Оқшоми. Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2142 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ